

Фикҳ дарслари (92-дарс). Таҳоратнинг суннатлари



13:00 / 02.07.2020 5875

(учинчи мақола)

10. Тартибли қилмоқ.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо тартибли равишда, таҳоратнинг амалларини бирини олдинга, бошқасини кейинга сурмай қилганлар. Ояти каримада таҳорат қандай васф қилинган бўлса, ўша тартибда бўлган. Оятда зикр қилинмаган амалларнинг тартибини ҳам бузмай таҳорат қилиш суннатдир.

Тартибнинг вожиб эмаслигига фуқаҳоларимиз қуйидаги далилни келтиришган:

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, жунубликдан ғусл қилаётган одам танасининг баъзи жойига сув тегмай қолиши ҳақида сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўша ерни ювади, сўнгра намоз ўқийди», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

11. Кетма-кет қилмоқ.

Таҳорат қилган киши бир аъзосини ювганидан кейин орага бегона ишни қўшмасдан, бошқасини ҳам ювишни «кетма-кет» деб тушунмоғимиз лозим. Таҳоратни қилиб бўлиб, оёқни бошқа жойга, мисол учун, уйга кириб ювишни «кетма-кет қилмаслик» деб тушунилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат амалларини доимо кетма-кет қилганлар. Баъзан бу ҳолатга амал қилинмагани ҳақида ҳам ривоят бор.

Имом Молик Нофеъ розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда айтилишича, Ибн Умар розияллоҳу анҳумо бозорда таҳорат қилиб, оёқларини масжидга кириб ювганлар ва саҳобалар буни инкор қилмаганлар.

Нофеъдан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар бозорда таҳорат ушатди. Сўнгра таҳорат қилди. Юзи ва икки қўлини ювди ҳамда бошига масҳ тортди. Кейин масжидга кирганида маййитга жаноза ўқиш учун даъват қилинди. У икки махсисига масҳ тортди ва жаноза намозини ўқиди».

Молик ривоят қилган.

(Тамом)

«Кифоя» китобидан